



Co-funded by the
Erasmus+ Programme
of the European Union



**ЕВРОПА КОМИССИЯСИ ЭРАСМУС+ ДАСТУРИНИНГ
“ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ХАЛҚАРОЛАШТИРИШ” ЛОЙИҲАСИ
ДОИРАСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН
ТАВСИЯЛАР**

**GUIDELINES
DEVELOPED WITHIN THE PROJECT
“IMEP: INTERNATIONALISATION AND MODERNISATION OF
EDUCATION AND PROCESSES IN THE HIGHER EDUCATION OF
UZBEKISTAN” OF ERASMUS+ PROGRAM**

TASHKENT 2018



Co-funded by the
Erasmus+ Programme
of the European Union



Erasmus + Capacity Building Project

Project Number: IMEP 561624-EPP-1-2015-1-UK-EPPKA2-CBHE-SP-ERASMUS+CBHE

Мазкур лойиҳа Европа Комиссияси томонидан молиялаштирилган. Ушбу нашр муаллифларнинг фикрларини акс эттиради ва Комиссия бу ерда келтирилган маълумотлардан фойдаланиш учун жавобгар бўлмайди.

This project has been funded with support from the European Commission. This publication reflects the views only of the author, and the Commission cannot be held responsible for any use which may be made of the information contained herein.

ЛОЙИХА ҲАМКОРЛАРИ

PARTNERS



Ministry of Higher and Secondary
Special Education of the
Republic of Uzbekistan



Rezekne Academy
of Technologies
Latvia



London Metropolitan
University
UK



University of the
Peloponnese
Greece



Head scientific and
methodological center
Uzbekistan



British Council in
Uzbekistan



Uzbekistan State University
of World Languages
Uzbekistan



Tashkent State
Pedagogical University
Uzbekistan



Tashkent
Medical Academy
Uzbekistan



University of World Economy
and Diplomacy
Uzbekistan



Namangan
State University
Uzbekistan



Samarkand State Institute of
Foreign Languages
Uzbekistan



Bukhara
State University
Uzbekistan



Co-funded by the
Erasmus+ Programme
of the European Union



МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
ТАВСИЯЛАР ХАРИТАСИ.....	5
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ МАЛАКА ОШИРИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	6
ТАЛАБАЛАРНИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИГА ЖАЛБ ЭТИШ	17
ИШ БЕРУВЧИЛАРНИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИГА ЖАЛБ ЭТИШ	23
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР	28
ХУЛОСА	37

CONTENTS

INTRODUCTION	38
GUIDELINES MAP.....	39
CONTINUOUS PROFESSIONAL DEVELOPMENT FOR TEACHERS OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	40
STUDENT ENGAGEMENT IN THE PROCESSES OF EDUCATION QUALITY ASSURANCE	50
EMPLOYER ENGAGEMENT IN THE PROCESSES OF EDUCATION QUALITY ASSURANCE.....	55
RECOMMENDATIONS ON EDUCATION QUALITY EVALUATION AND CONTROL IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	59
CONCLUSION	68



Co-funded by the
Erasmus+ Programme
of the European Union



**Internationalisation and Modernisation of Education and Processes in the
Higher Education of Uzbekistan/ IMEP**
561624-EPP-1-2015-1-UK-EPPKA2-CBHE-SP - ERASMUS+ CBHE

КИРИШ

IMEP лойиҳаси Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг турли эҳтиёжлари ва ўзига хос талабларини акс эттиради ҳамда олий таълим жараёнларини модернизация қилиш, малака ошириш, сифатни таъминлаш, талабалар ва иш берувчиларни таълим жараёнларига жалб қилиш масалаларини қамраб олади. Ушбу интеграция ва олий таълим тизимидағи масалаларга нисбатан яхлит ёндашув таклиф қилинган лойиҳанинг марказий ўрнини эгаллайди ва унинг инновацион характеристикини ифодалайди.

Лойиҳани амалга оширишнинг мақсадларидан бири олий таълимда малака ошириш дастурларини такомиллаштириш, ўқитувчилар учун тренинглар ўтказиш ва ҳамкор университетларда pilot малака ошириш бўйича тренинглар ўтказиш ҳамда узлуксиз малака оширишда самарали ёндашувни яратиш ва уни миллий даражада таклиф этиш ҳисобланади.

Лойиҳанинг яна бир мақсади фанлар доирасида сифатни яхшилашга қаратилган, республика даражасида таълим жараёнининг сифатини юқори даражага олиб чиқадиган чоратадбирларни амалга ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат эди. Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнларига жалб қилиш бўйича тавсиялар миллий устувор йўналишларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Дарҳақиқат талабаларнинг турли жараёнларда, масалан, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, сифатни таъминлаш ва такомиллаштириш каби жараёнларда бевосита иштирок этиши учун фойдали бўлади. Бу эса таълим жараёнини мақсадлилигини ва долзарблигини таъминлайди ҳамда олий таълим тизимида янги ишланмаларни олиб келади.

Бажарилган лойиҳанинг яна бир мұхим мақсади иш берувчиларни таълим сифатини таъминлаш жараёнларига жалб этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, у Ўзбекистонда тадбиркорлик руҳини ва амалиётини таълим жараёнида интеграциялашга йўналтирилган тузилмаларни модернизация қилишга ёрдам беради.

Сифатли ўсиш ва мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун шароитларни яхшилаш мақсадида лойиҳа ОТМларда ички интерфейсларни ташкил қилиш, инсон ресурслари имкониятларини ривожлантириш, олий таълим муассасалари ва маҳаллий, республика даражасидаги бизнес вакиллари ўртасида ўзаро мувофиқлаштирилган ахборот ва коммуникация стратегияларини жорий этиш орқали университет-корхона ўртасида ҳамкорлик маданиятини ривожлантиришни назарда тутади.

Барча ҳамкор олий таълим муассасаларининг ўзаро бир-бирини тўлдириши лойиҳа ютуқларини республика даражасида оммалашшига замин яратди.


Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Боз илмий-методик марказнинг лойиҳадаги иштироки бизнинг эришган ютуқларимизни самарали тарзда амалиётга жорий қилиш имконини берди.

Барча ҳамкорларимизга сермаҳсул ҳамкорлик учун миннатдорчилик билдираман!

Лойиҳа бош менежери

ДР., Проф. Вельта Лубкина
Резекне Технологиялар Академияси,
ЛАТВИЯ

ТАВСИЯЛАР ХАРИТАСИ



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ МАЛАКА ОШИРИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Малака ошириш тизимиға илғор хорижий тажрибани тадбиқ этиган ҳолда ҳолда ўқитишининг инновацион, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг билвосита шаклларини амалиётга тўлиқ татбиқ этиш, педагог кадрларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолияти натижаларини инобатга олган ҳолда табақалаштирилган узлуксиз малака ошириш жараёнларини такомиллаштириш малака оширишнинг муқобил шаклларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

“Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш” тўғрисидаги Низомда электрон портфолио, масофавий малака ошириш, мустақил малака ошириш, муқобил тарзда малака ошириш ва узлуксиз малака ошириш каби тушунчалар қўлланилган. Лойиҳа доирасида олий таълим муассасалари (ОТМ) профессор-ўқитувчиларининг узлуксиз малака оширишларини ташкил этиш бўйича олий таълим муассасалари ва педагог кадрлар учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Олий таълим муассасалари (ОТМ) педагог кадрларининг узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари.

Узлуксиз малака ошириш – педагог кадрларнинг касбий маҳоратини замонавий талабларга мос тарзда мунтазам равишда

oshiриб бориш имкониятини берувчи кўп босқичли тизимдир.

Малака оширишнинг бевосита ва билвосита шаклларини тўлиқ амалиётга жорий этиш орқали педагог кадрларнинг ўз имкониятлари ва ҳоҳишидан келиб чиқиб, мустақил ўз-ўзини шахсий ва касбий жиҳатдан ривожлантиришни рағбатлантириш узлуксиз малака ошириш тизимининг асосий мақсади ҳисобланади.

Узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг вазифалари:

- олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий маҳорати ва компетенцияларини узлуксиз ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;
- малака ошириш курсларининг ўқув режа ва дастурларини доимий равишда такомиллаштириб бориш ҳамда таълим жараёнига илғор хорижий тажрибани татбиқ этиш;
- малака оширишнинг касбий фаолиятга алоқадор билвосита шаклларини амалиётга тўлиқ жорий этилишини таъминлаш ва мониторингини олиб бориш;
- касбий эҳтиёжларни қаноатлантиришга қаратилган вариатив узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш ва мустақил фаолият таркибини аниқлаш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, педагог кадрларнинг тайёргарлиги сифатига қўйиладиган компетенциявий талабларни такомиллаштириш.

Ушбу жараён олий таълим муассасаларининг ўзида, шунингдек ҳар бир кафедра доирасида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Ҳар бир педагог кадр узлуксиз малака ошириш жараёнини ўз имкониятлари ва ҳоҳишидан келиб чиқиб ташкил этиш имкониятига эга бўлиб, ушбу жараён З ўқув йилига тақсимланган ҳолда



узлуксиз равища амалга оширилади. Узлуксиз малака ошириш мақсадлари аниқ натижаларга ва шахсий мақсадларга асосланган бўлиши керак. Узлуксиз малака ошириш педагог кадрларнинг эришган ютуқларини кўрсата олиши учун яхши имконият эканлигини англаб етгандагина ушбу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдалана олади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА МАЪСУЛЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ:

Малака ошириш пухта режалаштирилган ва узлуксиз тарзда давом этадиган жараёндир ва ушбу жараён кафедра кесимида доимий тарзда йўлга қўйилишида кафедра мудиридининг роли катта аҳамиятга эгадир. Кафедра мудири профессор-ўқитувчиларнинг ўрганишлари ва ривожлантиришлари зарур бўлган билим ва кўникламарни аниқлаши ҳамда уларнинг малака ошириш фаолиятини узлуксиз ташкил этишга ва бошқаришга масъулдирлар. Ушбу жараёнда кафедра мудири педагог кадрларни қўллаб-қувватлашда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим.

Педагог кадрларнинг узлуксиз малака ошириш бўйича режасини тақдиқлаш ва режадаги вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш кафедра мудиридининг вазифасига киради. Шундай экан, кафедра мудири узлуксиз малака оширишни ташкил этиш учун керакли шарт-шароитларни яратиб бериши ва профессор-ўқитувчиларнинг вақтини тўғри тақсимланишини назорат қилиши лозим.

КАФЕДРА МУДИРИ:

- Ҳар ўқув йилида мустақил равища малака ошириш билан шуғулланаётган педагог кадрлар тўғрисидаги маълумотларни Бosh илмий-методик марказнинг электрон портфолио тизимига киритилишини таъминлайди ҳамда мустақил малака ошириш натижаларига кўра педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака



oshiresh kurslariida yuqish muddatlari hamda shakllarinинг прогноз кўrsatkichlari belgilaydi;

- электрон портфолио тизими кўrsatkichlari бўйича педагог кадрларнинг фаолиятини тизимли таҳлил этиб боради ва ўқув йили якунлари бўйича уларнинг рейтингини аниқлашда тегишли кўrsatkichlari инобатга олади;
- педагог кадрлар узлуксиз малака ошириш жараёнларининг ички мониторингини олиб боради ва мониторинг натижаларини лавозимларга ўtkaziladigan tanlovlarnda асосий мезонлардан бири сифатida инобатга олади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ:

Ушбу жараён уч йил давом этади (ҳар ўқув йили кесимида) ва олий таълим муассасалари педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш шакllari бўйича сўнгги уч йилдаги маълумотлари электрон портфолио тизимида шахсан педагогнинг ўзи томонидан киритилади ва кўrsatkichlар электрон мониторинг тизимида қайд этиб борилади.

Мустақил малака ошириш бўйича педагог кадрларнинг фаолиятини баҳолаш “Олий таълим муассасалари педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш шакllarinini баҳолаш мезонлари”га мувофиқ амалга оширилади.

Педагог кадрларнинг мутахасисликлари бўйича таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги қайta тайёрлаш ва малака ошириш марказлари таълим дастурлари бўйича қайta тайёрлаш ва малака ошириш

курсларида иштирок этиши ёки ундан озод этилиши узлуксиз малака ошириш натижаларига бевосита боғлиқ бўлади. Уч йил давомида узлуксиз малака ошириб, электрон портфолиога ўзи эришган ютуқларини юклаб борган педагог кадрлар соҳа мутахассислари томонидан баҳоланиб 86-100 баллгача натижа кўрсатган педагог кадрларга фақат якуний назоратга киришга имкони берилади. Ушбу назорат онлайн тест тарзида ташкил этилади. Якуний назоратдан 86-100 гача балл тўплаган педагог кадрлар таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларидағи қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқишидан озод этиладилар ва уларга давлат намунасидағи малака аттестати берилади. Якуний аттестация натижаларига кўра белгиланган ўтиш баллни тўплай олмаган педагог кадрлар ўрнатилган тартибда такрорий курсларда ўқииди.

Узлуксиз малака ошириш жараёни механизми



1. Эҳтиёжларини таҳлил қилиш

Педагог кадрлар узлуксиз малака ошириш доирасида мақсадларни белгилаш ва режалаштириш ҳамда узоқ муддатли мақсадларни белгилаб олишлари учун қўйидаги саволларга ўз тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда жавоб беришлари керак:

Мақсадларни белгилаб олиш учун саволлар	Мақсадларни белгилаш
Хозирги педагогик малакамдан қониқаманни?	
Педагогик фаолиятимни икки, беш, ўн йил ичidaда ва даражада ривожлантиришни ҳоҳлар эдим.	
Мақсадларимга қандай эришишим мумкин?	
Фаолиятимни ривожлантириш ва малакамни ошириш учун қандай ҳаракатлар қилишим керак?	
Педагогик фаолиятимни ривожлантиришда менга ким ёки нима ёрдам бериши мумкин?	

2. Узлуксиз малака оширишни режалаштириш:

Педагог кадрларнинг малака ошириш эҳтиёжлари таҳлил қилишда қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб берилиши керак. Бу уларнинг мустақил малака оширишларига бўлган эҳтиёжлари ҳақида ўйлашга ёрдам беради. Мустақил малака ошириш йўллари, йўналишлари ва механизмлари аниқланиб олингандан сўнг уч йиллик узлуксиз малака ошириш режасини тақдим этишга тайёр деб ҳисобланадилар.

Қўйида келтирилган жадвал электрон портфолиога киритилиши шарт. Ушбу жадвал асосида режалаштирилган малака ошириш турлари З йил давомида янгиланиб борилиши мумкин. Педагог кадрлар шахсий иш режасига ўқув йили учун узлуксиз малака ошириш шакллари бўйича фаолиятини киритади.

Амалга ошириладиган малака ошириш шакллари	Бошлан иш ва тугаш вақти?	Кутилаётган натижа	Бажарилиши бўйича ҳисобот
Халқаро миқёсда маъқулланган хориждаги ўқитувчилар алмашинуви дастурларида қатнашиш ва малака ошириш	2020 йил	Соҳа бўйича малака ошириш ва сертификат олиш. Олган билимларни ҳамкаслар билан ўртоқлашиш	Курс номи: Курс учун ажратилган умумий соат хажми: Йўналиши: Мақсади: Янгиликлар: Эришилган ютуқ: Келажакдаги режалар:

Узлуксиз малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олиши мумкин:

№	Мустақил малака ошириш шакллари	Фаолиятни баҳолаш мезонлари
I. Мутахассислик бўйича мустақил малака ошириш		
1.	Очиқ ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш	Ҳар ўқув йилида камида 2 та соҳага оид “Мастер-класс”лар ташкил этиш; Ҳар ўқув йилида камида 2 та очиқ ўқув машғулотларини ўтказиш
2.	Иқтидорли талабалар билан ишлаш	талабаларининг республика ва халқаро миқёсидағи фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, санъат соҳасидаги кўрик танловлар ва кўргазмалардаги совринли ўрин олиши
3.	Илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш	халқаро миқёсда; республика миқёсида.
4.	Илмий журналларда мақолалар чоп этиш	Ҳар бир илмий мақола учун алоҳида
5.	Кўргазма ва танловларда иштирок этиш	халқаро миқёсда; республика миқёсида.
6.	Илмий лойиҳаларда иштирок этиш	Халқаро лойиҳалар; Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги лойиҳалар: loyixa raҳbari sifatida; loyixa ishtirokchisi sifatida. xўjaliq shartnomasasi: raҳbar sifatida; ishtirokchi sifatida.
7.	Халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш	Халқаро маълумотлар базасига киритилган юқори рейтингли илмий журнallар ёки “импакт-фактор”га эга бўлган илмий журнallарда чоп этилган ҳар бир мақола учун.
8.	Ихтиро, рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш	ихтиро(патент); рационализаторлик таклифи; инновацион ишланмаларга муаллифлик.
9.	Монография тайёрлаш ва нашрдан чиқариш	якка муаллифликда; ҳаммуаллифликда.
10.	Дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма тайёрлаш ва нашрдан чиқариш	Дарслик; ўқув қўлланма; методик қўлланма.
11.	Илмий раҳбарлигидаги фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилинганлиги	охирги 3 йилда ҳимоя қилинган диссертация учун
II. Муқобил малака ошириш шакллари		
12.	Охирги 3 йилда якка муаллифликда дарслик ёки ўқув қўлланма тайёрлаш ва нашрдан чиқариш	
13.	Охирги 3 йилда илмий раҳбарлигидаги охирги 3 йилда камида битта DSc даражасини олиш ёки иккита PhD даражасини олиш учун диссертацияларнинг ҳимоя қилинганлиги	
14.	Охирги 3 йилда Докторлик (PhD,DSc) диссертациясини ҳимоя қилиш	
15.	Охирги 3 йилда хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ (давомийлиги: малака ошириш – 1-3 ой, стажировка – 3 ой - 1 йил)	
16.	Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги илмий унвонига эга бўлиш	

3. Узлуксиз малака ошириш жараёнини амалга ошириш

Ушбу босқичда педагог кадр томонидан режалаштирилган вазифалар амалга оширилади. Узлуксиз малака ошириш режаси профессор- ўқитувчилар томонидан тузилиб олингандан сўнг уч йил давомида амалга оширилади ва касбий фаолият

натижалари электрон портфолио тизимиға жойлаштиради.

Бунда педагог кадрлар касбий фаолият натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга электрон портфолио тизимиға киритиб борадилар.



Электрон портфолио тизимида киритиладиган барча маълумотларнинг ҳаққонийлигига педагог кадрлар шахсан масъул ҳисобланадилар.

4. Ўз-ўзини баҳолаш ва таҳлил

Педагог кадрлар кафедра йиғилишида бажарилган ишлар ва эришилган натижалар бўйича семестр якунидаги кафедрага ҳисобот тақдим этади. Ушбу босқичда профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва эришилаётган ютуқларни таҳлил қилиш учун имконият яратилади.

Электрон портфолиога юклаб қўйилган барча асос бўлувчи ҳужжатлар кафедрада юритиладиган ҳар бир профессор-ўқитувчининг алохидаги шахсий файлда ҳам сакланиши лозим.

Профессор-ўқитувчиларнинг профессионаллик даражаси мутахассислик фани бўйича билим ва кўнижмалари, чет тилларни билиш даражаси ва таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларини қўллай олиш даражаси асосида белгиланади. Қўлланманинг ушбу қисмида ОТМ профессор-ўқитувчиларига ўз устида мустақил ишлар орқали инглиз тили ва АКТ бўйича билим ва кўнижмаларнинг ошириб боришлари учун тавсиялар берилган.

Барча педагог кадрларни хорижий тилларни мустақил ўрганишлари учун кўрсатмалар

Чет тилини ўрганиш оддий иш эмас, лекин уни қандай қилиб яхшилашни билиш унчалик қийин эмас. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, натижаларни қўлга киритишнинг энг яхши усули – шахсий ўқув режадир. Ушбу

қўлланмада педагог кадрлар ўзларининг чет тиллари бўйича билим ва кўнижмаларни оширишлари учун нима қилишлари кераклигини аниқ тушунтириб берилади. Кўрсатмалар инглиз тили мисолида берилган.

Ушбу тавсияларда таъкидланишича, педагог кадрлар ўзларининг инглиз тилини билиш даражасини аниқлашлари, сўз бирикмаларни тузиш қоидаларини ўзлаштиришлари, грамматика, лексика ва бошқа тил аспектларига оид билимларни такомиллаштиришлари ва чет тилини ўрганиш учун тавсия этилган онлайн ресурслардан оқилона фойдаланишлари уларнинг тил ўрганишларида катта ёрдам беради.

Инглиз тилидаги даражани билиш учун қўйидаги жадвалдан ёки инглиз тилидаги билим даражани аниқлашга ёрдам берадиган 20 дақиқалик бепул онлайн инглиз тили тестини топшириб кўриш мумкин (Online English Level Test).

Даража	Таъриф	УЕТ (CEFR) даража
Жуда кенгайтирилган	Мен инглиз тилини мукаммал биламан.	C2
Мураккаб	Мен жуда яхши гапираман ва тушунман, лекин баъзан номаълум вазиятлар ва сўзлар билан боғлиқ муаммолар юзага келади.	C2
Мураккабгача	Мен яхши гапираман ва яхши тушунман, лекин хатолар қиласман ва вакти-вақти билан ўзимни тушунмай қоламан.	C1
Юқори оралиқ	Мен яхши гапираман ва яхши тушунман, лекин хатолар қиласман ва вакти-вақти билан ўзимни тушунмай қоламан.	B2
Ўрта даражада	Мен яхши гапиришим ва тушунишим мумкин ва асосий вақтларни ишлатиш мумкин, лекин мураккаб грамматик қоидалар ва сўз бирикмаларни ишлатиш билан га боғлиқ муаммолар мавжуд.	B1
Паст оралиқ	Мен сода гапларни гапиришим ва сухбатнинг асосий мазмунини тушунишим мумкин, аммо кўпроқ оғзаки мулоқот қилишга муҳтожман.	B1
Олдиндан оралиқ	Мен сода гапларни гапиришим ва таниш вазиятларга оид гапларни тушунишим мумкин, лекин қийинчилик билан.	A2
Бошлангич	Инглиз тилида айрим оддий нарсаларни айтиб бера оламан ва англай оламан.	A1/2
Бошловчи	Мен инглиз тилида гаплаша олмайман.	

ИНГЛИЗ ТИЛИ БЎЙИЧА ДАРАЖАНИ АНИҚЛАШ УЧУН ВЕБ-САЙТЛАР

Қўйидаги веб сайтларга кириб педагог кадрлар ўз билим даражасини аниқлаб олиши мумкин. Бу эса кейинчалик кайси даражадан бошлаб инглиз тилини ўрганишни давом эттириш лозимлигини аниқлашга ёрдам беради.

http://www.english-test.com/tests/level_test.asp

<https://learnenglish.britishcouncil.org/en/content>

<http://www.cambridgeenglish.org/test-your-english/>

Тил аспектларини ўрганишга мисоллар

Инглиз тилини мустақил ўрганиш учун Merriam-Webster Learner's Dictionary луғатига обуна бўли мумкин. У инглиз тилидаги сўзларни енгил ўрганиш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, янги сўзларни ўрганишда FluentU дан ҳам фойдаланиш мумкин. "FluentU" реал-дунёдаги видеофильмлар, мусиқий видеофильмлар, трейлерлар, янгиликлар ва тил ўрганишга кўмаклашувчи мулоқотларни ўрганишда яхши самара беради ва уларни индивидуал тил ўрганиш дарсларига айлантиради.

Қўйида тақдим этилган баъзи мисоллар янги сўзларни мустақил ўрганишда фойдаланиладиган усулларни ёритиб беради:

Лексик машқлар:

1. Тоза қофозни (ёки индекс картасини) олиш.
2. Ўрганиш учун луғавий сўзни танлаш.
3. Қофозни тўрт қисмга бўлиш.
4. Асосий сўзни марказга ёзиб қўйиш.
5. Сўнг чап томонда сўзни таърифини ва қайси нутқ бўлаги (масалан, от, сифат, феъл ва бошқаларни) эканлигини ёзиш.
6. Юқори ўнг бурчакга сўзни ёзиш.
7. Пастки чап бурчакда сўз учун синонимларни ёзиш.
8. Пастки ўнг бурчакда сўзни турли шакларини ёзиш. Ҳар бир сўз шаклининг

қачон ва қандай вазиятда ишлатилишини тушунишга ҳаракат қилиш.

Янги сўзни ўрганиб олиш

Агар сиз фақат биргина сўзнинг маъносини билсангиз, сиз "қандай қилиб?" дея сўрай оласиз, аммо сиз "нима бўлди?" иборасини ишлата олмайсиз.

Бирор гап оддий жумлага эмас, балки мураккаб жумлага айланса, ҳар доим ҳам уни англashing осон бўлмайди. Айтишнинг бир усули - худди шу тартибда бир мартадан кўп марта тақорорланган сўзларни эшлиши. Бундан ташқари, Free Dictionary's луғатининг "иборалар" қисмига ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, инглизча ибораларни яхши ўрганиш учун "English Daily" ва шу каби веб-сайтларга мурожаат қилиш керак. "English Daily" каби веб-сайтларда берилган барча иборалар аслида инглиз тилидаги кундалик мулоқотда ишлатилган бўлиб, сиз уларнинг қандай ҳолатда ва қачон ишлатилишини ўрганишингиз керак бўлади.

Шунингдек, бепул PhraseMix-веб сайтида ҳам ибораларнинг маъноларини текшириб олишингиз мумкин.

Сўзни ўрганиш машқлари:

1. Юқоридаги манбалардан бирон бир сўз ва иборани танланг.
2. Сўз ва иборани ўқинг.
3. Қўйидаги саволларга жавоб беринг: Сизнинг она тилингизда айнан шундай ибора ишлатиладими? Бу сўзни қачон ишлатишингиз мумкин?



4. Кундалик турмуш тарзингизда иборани ўзингизнинг сўзларингиз билан айтиб кўринг.

Грамматикани қандай ўрганиш мумкин?

Тил ўрганувчиси сифатида грамматика қоидаларини билиш мухимдир. Инглиз тили билан боғлиқ жуда кўп янги қоидалар, қоидадан истисно ҳолатлар ва сўзлар мавжуд, аммо ўқувчилар баъзан қаердан бошлишни билмайдилар.

Грамматикага оид кўрсатмаларни жуда қисқа ва аниқ изоҳлаб берадиган кўплаб веб-сайтлар мавжуд. Энг яхши манба - 5 дақиқали инглиз (5 minute English).

Яна бир ажойиб веб-сайт - Британия Кенгашининг грамматикани тез ўрганишга оид кўрсатмалари (Quick Grammar). Бу ерда ўз билимингизни ҳар бир грамматик қоидага оид интерактив викториналар билан синаб кўришингиз мумкин. Грамматик қоидаларга оид сайтларни ҳам кўриб чиқишингиз мумкин, бу жуда кўп мисоллар ёрдамида жуда аниқ ва тезкор тушуниришга мўлжалланган сайтдир.

Бу каби веб-сайтлар кўп, шунинг учун сиз учун энг мақбулини танланг.

Грамматикага оид машқ:

1. Юқорида тилга олинган веб-сайтлардан (ёки ўз манбангиздан) қисқа грамматик қоидани ўқинг.

2. Истаган веб-сайтингизга кириш. Уларда турли маълумот ва материалларни топишингиз мумкин.

3. Сайтлarda берилган грамматик қоидаларга тегишли мисолларни кўриб чиқинг. Мисол учун, шартли вазиятлар ҳақида билмоқчи бўлсангиз, саҳифани "if" сўзи бўйича қидиришингиз мумкин.



Янгиликларни ўқиш

Сизнинг инглиз тилидаги билимингиз дунёда содир бўлаётган воқеалардан боҳабар бўлишингизга ёрдам беради. Бунинг учун ҳамиша янгиликларни ўқиб туриш!

Инглиз тилидаги матнларни ўқиш нафақат тилни ўрганишингизга ёрдам беради, балки сизга инглиз тилида гапирадиган кишилар билан мулоқот қилишга катта ёрдам беради. Ҳар куни қизиқарли янгиликларни топинг. Кейинчалик, бошқалар жаҳонда содир бўлаётган воқеалар ҳақида гаплашганда сұхбатга қўшилишингиз мумкин.

Инглиз тилини ўрганувчиларга мўлжалланган материаллар мавжуд кўплаб веб-сайтлар мавжуд. "Америка овози"да тушунадиган даражада осон бўлган мақолалар бор, шу билан бирга баъзи қийин сўзлар ва жумлалар ҳам мавжуд. Инглиз тилидаги янгиликлар ва янгиликларнинг мураккаблик даражалари сизнинг инглиз тили бўйича билим ва кўникмаларингизга қараб турли хил даражаларига эга.

Дунё янгиликлари ҳақида ўйляпсизми? Сизни ҳеч ким уларни ўқимасликка мажбур қилмайди! Сизни қизиқтираётган маълумотларни топинг ва айнан шу мавзудаги янгиликларни ўқинг. Агар замонавий технологияни яхши кўрсангиз TechCrunchдан фойдаланишингиз мумкин.

Ўқиш (ва гапириш) учун машқ:

- Сизни қизиқтирган янгиликни топинг.
- Мақолани тезда кўз югуртириб ўқиб чиқинг ва ундан асосий мазмунни тушунишга ҳаракат қилинг. Яъни, ҳар битта сўзни бирма-бир ўқиш шарт эмас, асосий эътиборни унда ёритилган мавзуни тушунишга қаратинг.
- Мақолани ўқинг.
- Сиз мақоланинг энг асосий ғоясини тушундингизми? Мақоланинг қисқа мазмунини баланд овозда ўқинг.

Тушунгандар нарсаларингизни кўриб чиқиш учун 5 дақиқа етарли. Сиз ўрганган нарсалардан қанчаси эсингизда қолди?

Инсон мияси рўйхатдаги охирги нарсани рўйхатнинг қолган қисмидан яхшироқ эслайди. Шундай экан, ҳар бир нарсага эришиш учун тезда ҳаракат қилишингизга ишонч ҳосил қилинг!

English.com дан фойдаланиб, инглиз тилини мустақил ўрганиш учун кун тартиби

Бу EnglishClub.com дан фойдаланган ҳолда, бир ой давомида тил ўрганиш кун тартибига мисол бўла олади. Сиз ўзингизнинг шахсий кун тартибингизни тузиб олишингиз керак. Берилган материалларнинг тегишли мураккаблик даражасидан фойдаланганингизга ишонч ҳосил қилинг. Ҳар якшанба куни кейинги 7 кунлик иш тартибини ёзиш фойдалидир. Энг муҳими, тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзишни ўз ичига олган тил малакаларини ўрганишга ҳаракат қилинг.



Инглиз тили ўқитувчилари фойдаланиши учун тавсия этиладиган веб-сайтлар бўйича таклифлар

Қўйида ўн битта сайт ҳавола этилган, баъзилари тинглашни, баъзилари гапириш, грамматикани, баъзилари эса тил бошқа аспектларини ўз ичига олади.

easyworldofenglish.com

Грамматика, талаффуз, ўқиш ва тинглаш амалиёти ва интерактив расмли луғатни ўз ичига олган жозибадор, фойдаланувчи учун дўйстона веб-сайт.

manythings.org

Ушбу веб-сайтлар билимни баҳолаш учун синов материаллари, сўз ўйинлари, товушлар, анаграммалар, тасодифий жумла генераторлари ва бошқа компьютер ёрдамида тилларни ўргатувчи воситаларни ўз ичига олади. Сайт, шунингдек, талаффуз

ҳақида маҳсус саҳифа, жумладан, энг кам жуфтлик билан машғулотларни ўз ичига олади.

eslcafe.com

Бутун дунёдаги фидоий ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар учун форум. Унга талабалар учун викториналар, кроссвордлар, грамматик қоидалар ва муҳокамалар форумлари киритилган. Ўқитувчилар учун барча мавзулар бўйича янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар, шунингдек мунозара форумлари мавжуд.

Бу Калифорния масофавий таълим лойиҳаси ҳисобланади.

cdlponline.org

Меҳнат, уй-жой, пул ва саломатлик каби мавзулар бўйича янгиликларни ўқинг ва тингланг, сўнгра мос келадиган жуфтликлар, янги сўз ва иборалар ҳамда викторина саволларини ўз ичига олган ҳикояларга асосланган ўқув материаллари билан ишланг. Баъзи ҳикояларга аудио-видео материаллар қўшимча қилинган.

bbc.co.uk/worldservice/learningenglish

Амалий машғулотлар учун ажойиб тадбирлар мажмуаси яратилган, уларнинг айримлари ҳозирги кундаги воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ. Видеолар, викториналар, сўзлашув амалиёти, иборалар, шарҳлар ва бошқалар сайтдан жой олган.

a4esl.org

Барча даражалар учун грамматика ва мулоқот амалиёти, жумладан янги бошловчилар учун икки тилли викторина. Бундан ташқари, синфда фойдаланиш учун ўқитувчиларга сұхбат саволлари, турли ўйинлар ва кўплаб бошқа тавсияларни ўз ичига олади.

abcya.com

Бу болалар учун мўлжалланган веб-сайт, аммо катта ёшдагилар ҳам ундан фойдаланишлари мумкин. Сайтда 1-5-синфларда ташкил этиладиган чет тили дарслари ҳамда матн териш ва фонограмма

учун фойдали манбалар мавжуд. Овозли ёзишмалар, катта ва кичик ҳарфлар, синоним ва антоним ҳамда бошқа нарсаларни ўрганиш учун амалда бажариладиган ўйинлар сайтдан ўрин олган.

tv411.org

Ушбу сайт танқидий ўқиши, матннинг асосий мазмунини умумлаштириш ва сканерлаш каби асосий ўқиши кўнижмасига оид тушунчаларни ҳамда турли муҳим ҳаётий кўнижмаларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи маҳаллий маърузачилар иштирокидаги видеоларни ўз ичига олади. Ҳар бир видеодан кейин тинглаб тушуниш учун викторина берилган. Ўқиши, ёзиш, сўз бойлигини ошириш ва турли машғулотларни самарали ташкил қилиш учун ўқув материалларини топишни истасангиз, кўкёрликларни босинг.

Чет тилларини бепул ўрганишга мүлжалланган сайтлар

gcflearnfree.org/everydaylife

Асосий саҳифга кириб, кейин “ўқиш” тутгасини босинг. Сайтда инглиз тилини ўрганувчилар учун турли манбалар, жумладан тинглаб тушуниш ва ўқиш учун ҳикоялар ва расмли луғатларга бор.

Оксфорд университети нашриёти

elt.oup.com/learning_resources

Оксфорд университети нашриётининг ушбу веб сайтида ёзиш, грамматика, талаффуз ва тинглаб тушуниш каби кўникмаларни ривожлантиришга оид материаллар жойлаштирилган. Лекин ўқувчилар ва айрим интернет фойдаланувчилари учун навигация тизими қийинчиликларни туғдириши мумкин.


Инглиз тилини ўрганиш - BritishCouncil

Британия Кенгашы инглиз тилини ўрганиш ва ўқитишига катта аҳамият беради, шунинг учун ўз веб сайтида инглиз тили ўқитувчилари ва тил ўрганувчилар учун алоҳида портал яратган. Ушбу веб сайтда инглиз тилини ўрганиш учун қўплаб материаллар жойлаштирилган бўлиб, улар

түртта тил күникмасини, яъни ёзиш, ўқиш, гапириш ива тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш учун хизмат қиласди. Ўқув материаллари қизиқарли машғулотлар, аудио-видео иловалар, онлайн ва оффлайн курслар, шунингдек тил соҳиблари томонидан тайёрланган турлди дастурларни ўз ичига олади.

ЎҚИТИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Рақамли технологиялар тезкорлик билан ривожланиб бораётган даврда чет тиллари ўқитувчилари ҳам Интернет, компьютер техникалари, уяли телефонлар, планшетлар ва бошқа техник воситаларнинг турли имкониятларидан хабардор бўлишлари талаб этилади, чунки ҳозирги кунда талабалар гаджетлардан фойдаланишда



анча илдамлаб кетишмоқда. Улар билан тенг имкониятларга эга бўлиш баробарида ўқитувчилар ўзларининг соҳалари бўйича чуқур билим ва тажрибага эга бўлишдан ташқари ҳар бир талабанинг турли таълим эҳтиёжларини қондириши ҳамда компьютер, Интернет ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашда жуда моҳир бўлишлари лозим.

Бунинг учун педагог кадрлар қуидагиларга эга бўлиши лозим:

- тегишли онлайн материаллар, жумладан юклаб олинган матнлар, расмлар, графикалар ва бошқалар.
 - аудиторияда Power Point ва бошқа стандарт дастурий таъминот воситалари ва иловаларидан (масалан, видео ва тинглаб тушуниш учун материаллар, DVD, CD, веб-ва компьютер дастурлари,

- мультимедиали проекторлар, интерфаол тахталар (Smart Board), уяли телефонлар ва б.) фойдланган ҳолда дарслар ташкил этиш қобилияти;
- рақамли ахборот воситалари (камера, интернет) ёрдамида лойиҳа ишларини ташкил этиш;
 - тил ўрганишни қўллаб-қувватлаш учун рақамли ускуналар ва мобил қурилмалар, интернет ва тегишли дастурий таъминотлардан самарали фойдаланиш;
 - тилни ўргатиш учун IWB дан фойдаланиш;
 - ҳамкаслар билан биргалиқда интернетдаги мавжуд воситалардан қандай фойдаланишни ўрганиш (масалан, мобил телефонлар, интерфаол тахталар ва бошқалар);
 - он-лайн машқларни, веб-ва компьютер дастурларини, интернет-платформаларни ва уларнинг иловаларини танлаш ва



улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиш.

Ўқитувчилар қўйидаги имкониятларни ўрганишлари ва ўзаро фикр алмашишлари мумкин:

- **Google Apps** иловалари талабалар ва ўқитувчиларга онлайн тарзда манба ва материалларни алмашиш, уларни реал вақтда таҳрирлаш ва уларни экранда лойиҳалаштириш имконини беради. Ўқитувчилар электрон дарсликларни яратади ва талабаларга нафақат юзма-юз ишлашни таклиф қиласидилар, балки натижаларни автоматик тарзда ҳисоблаб чиқадиган онлайн тестларни тўлдириш ва/ёки машғулотларни самарали ташкил этиш учун уларга топшириқ бериш орқали онлайн тарзда ҳам иш олиб борадилар.

- Тақдимот дастурлари (**PowerPoint** каби) ўқитувчиларга матн ва оғзаки маъруза мазмунини тўлдириш учун юқори сифатли фотосуратлар, диаграммалар, видеолар ва товушли файлларни жойлаштириш имконини беради.

www.canvas.org, Найнет (www.nicenet.org) каби дарсларни бошқариш воситалари ўқитувчиларга талаб қилинадиган барча ресурслар (масалан, ўқув режалари, дастурлар, онлайн викториналар ва б.), воситалар, ҳужжатларни алмашиш ҳамда видео ва аудио шарҳлар учун жойлар ажратиш имконини беради. Барча курслар автоматик равишда Канвас платформаси орқали берилади.

Спикерс ва смартфонлар ўқувчиларни синчковлик билан ўрганишнинг тез ва осон усулидир. Бу тезкор сўров қилиш учун жуда яхши восита, у талабаларнинг тушунган нарсаларини тезда баҳолаши ва ўқитувчилар ишининг тезлиги ва мазмунини ўзgartириши мумкин.

www.raponto.com воситаси ўқитувчиларга ўзларининг компьютерларидан тўғридан-тўғри маърузалар ёзишга имкон беради. Ўзингизнинг маърузаларингизни ёзиб, кейин уларни талабалар учун қайта томоша қилиш учун юқлашингизни ўйлаб кўринг. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қайд этилган маърузаларни жойлаштириш иштирокни қисқартирмайди ва талабалар ўзларининг тезлигига маърузаларни кўриб чиқиш имкониятини жуда қадрлашади.

Профессор-ўқитувчилар турли интернет манбаларини ўрганиб чиқишилари ва уларни ўз саҳифаларига қўшишлари мумкин. Баъзи сайтлар қўйида келтирилган:

<http://speechpeek.com/> - ўқитувчилар интерактив сўзлашув ва тинглаб тушуниш кўнкималарини ривожлантиришга мўлжалланган машқларни талабаларга масофадан туриб юбориш учун яратилган онлайн портал. Талабалар ўз жавобларини тайёрлаши ва сайтга киритишлари мумкин.

Сайт орқали ўқитувчилар ва талабалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Quizsocket.com- он-лайн ёки синфда жавобларни тайёрлашга мўлжалланган талабалар учун тестлар, анкеталар, сўровларни лойиҳалаштириш учун интернет асосидаги ёрдамчи дастур.

Goformative.com - ўқитувчилар учун турли ҳил савол форматлари билан тестлар ёки тестларни ишлаб чиқиш учун яна бир интернет восита: кўп вариантили жавобларни танлаш, ҳақиқий/нотўғри ва ҳоказолар шаклида бўлиши мумкин. Бундан ташқари, талабалар ўз жавобларини ёзиши ёки расм ёки диаграмма ёрдамида жавоб беришлари мумкин.

Socrative.com- вазифаларни бажаришда жамоавий ёки индивидуал тарзда иштирок этишини таклиф этади. Ўқитувчилар талабаларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишларини ва олдиндан уларни баҳолашлари мумкин.

Kahoot.com - бу ўқитувчиларга саволларга жавоб бериш учун расм ва диаграмларни жойлаштириш имконини беради ва талабаларнинг жавоблари учун вақтни белгилайди.

Youtube.com - турли мавзулар бўйича кўплаб видео материалларни тақдим этади.

Ўқитувчилар бундай видео учун саволлар тайёрлайдилар ёки экспериментни намойиш қилиш учун қўшимча сифатида маъruzалардан фойдаланиши мумкин.

moodle.edu.uz – Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан республика олий таълим муассасаларининг таълим йўналишлари бўйича масофавий таълимни жорий этишга хизмат қилувчи платформа юқоридаги портал ва сайтларнинг энг яхши томонларини қамраб олган. Сиз мазкур платформага ўзингизни ресурсларингизни жойлаштириш орқали талабалар билан виртуал мулоқотни йўлга қўйиш билан биргаликда уларнинг фанларни ўзлаштириш фаолиятини доимий қўллаб-қувватлашга эришасиз. Бу эса замонавий технологияларни ўқув жараёнига тезкор кириб келишига замин яратади.

Ушбу тавсиялар профессор-ўқитувчилар томонидан мустақил равишда узлуксиз малака ошириш жараёнида инглиз тили ва АҚТ бўйича билимларини оширишга қаратилган. Шуни ёдда сақлаш жоизки, ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзининг касбий ривожланиши учун ўзи маъсулдир.

ТАЛАБАЛАРНИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИГА ЖАЛБ ЭТИШ

ЎҚИТУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЯГОНА ЖАМОАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ

IMEP лойиҳасининг мақсадларидан бири олий таълим муассасаси ўз талабаларини ўқув жараёнига қай тарзда жалб қилаётганинги аниқлаш ҳамда олий таълим муассасалари томонидан замонавий талабларга жавоб берадиган шартшароитнинг қай даражада яратилганини ўрганишдан иборат.

Ушбу кўрсатмаларни ишлаб чиқиш мақсадида лойихада иштирок этаётган Ўзбекистон ва Европа Иттифоқининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари вакилларидан иборат лойиҳа жамоаси ташкил этилди. Мазкур лойиҳа жамоаси олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари орасида ўрганишлар ўтказди. Ўрганишлар натижалари 2017 йил 16-17 марта Бухорда бўлиб ўтган лойиҳа конференциясида мұхокама қилинди. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар вакиллари Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқидаги университетларда ўтказилган ўрганишлар натижаларини мұхокама қилиш жараёнида энг яхши амалий кўрсаткичлар сараланиб, ўрганилиб чиқилди ва конференция сўнгидаги иштирокчилар томонидан бир овоздан маъқулланди. Ушбу кўрсатмалар IMEPнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган конференцияси мұхокамалари ва дастурлари ҳамда 2018 йил марта бўлиб ўтган Лондон конференцияси мастер-классларидан сўнг қайта кўриб чиқилди ва янада ривожлантирилди.

Олий таълим тизимида талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш чора-тадбирлари қатор олимларнинг тадқиқотларидағи асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда. (Astin, 1993; Bryson, 2014; Fredricks et al., 2004; Gibbs, 2014; Kahu, 2013; Nygaard et al., 2013; Pascarella & Terenzini, 2005). “Талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига

жалб этиш (student engagement)” бирикмаси бир вақтнинг ўзида ҳам тушунча, ҳам амалиётлар умумлашмаси каби мазмунларни англата олади. Кўпинча ушбу термин ўрнига маъно жиҳатидан бир-бирига жуда яқин бўлган икки маънодош сўзлар “кўшилмоқ” (involvement) ва “иштирок этиш”(participation) бирикмалари ҳам қўлланилади. Аммо мазмунан “жалб қилиш (engagement)” бирикмаси бошқа маънодош сўзларга нисбатан кенгроқ тушунчани ифодалайди; масалан, машғулотлар бошида у маълум бир ҳиссиётлар уйғунлиги (эмоционал жиҳатдан жипслаштириш) ва сезига таянишни (тафаккур орқали бирикиш) талаб қиласи (Harper & Quaye, 2009: 5). Кенг қамровли мазмунни ифода этиб келаётган “Талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш” бирикмасининг турли хил изоҳлари таҳлили ва турли муаллифларнинг бўнга қандай ёндашгани Траулер (Trowler, 2010) томонидан ўрганилган. Оима ушбу тушунчанинг полисемантик жиҳатини изоҳлашдан ташқари, ўз олдига бир қатор ечимини кутаётган саволларни, яъни бизга талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш нима учун кераклиги, бундан ким манфаатдор бўлиши мумкинлиги ва мувафақиятнинг танқидий омиллари нимада акс этиши кабиларни ўрганишини мақсад қилиб қўяди.

К.Харрингтон, С.Синфилд, ва Т.Бёрнс (Harrington, K., Sinfield, S., & Burns, T.) (2016)





“Талабаларни олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш”нинг келажақдаги ривожланиш босқичлари билан биргаликда тушунчанинг қуийидаги янгиша изоҳини ҳам таклиф қиладилар, яъни “ушбу жараён талабаларга таълимнинг жамоавий, мураккаб ва ҳатто бир-биридан у даражада фарқ қилмайдиган турларини ҳам амалиётда синааб кўриш имкониятини беради ва бунинг туб моҳияти мустақил таълимга жалб қилиш, ўрганиш эса юксалиш гарови ҳисобланади”. Бу таъриф мазкур кўрсатманинг асоси сифатида эътироф этилади ва у олий таълим муассасаларида жамоавий, ижодий ва соғлом муҳитни шакллантириш, ўқитиш ва изланиш орасидаги чегараларни олиб ташлаш, ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасида интеграциялашувини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ўртасидаги ҳамкорлик механизм ва шаклларини жорий этиш, талабаларда ва ўқиш ҳамда ўрганишда инновацион фикрларни яратишни мақсад қиласди. Талабаларни олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш кўпинча ривожланаётган университетлар тажрибасида ва кундалик амалиётида юқори ўринда туради. Бу кўрсатмалар талабаларни фаоллаштиришга ундейди, академ жамоаларда уларнинг иштирокини руҳлантирадиган, яъни илмий мунозара ва ҳаётий билимларни ўрганиш жараёнида самара берадиган усусларни илгари суради.

УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР

- Барча олий таълим муассасалари учун муайян талабалардан иборат бўлган ва талабаларни таълим сифатини таъминлаш

жараёнига жалб этиш бўйича университет стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш бунда:

- талабаларни олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш масалалари бўйича натижалар ва амалга оширилиши мўлжалланган мақсадларнинг аниқ тасдиғи бўлиши лозим, бунда уларнинг аниқ мақсадлари ва вақт оралиғи инобатга олиниши зарур;

- талабаларни олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёни мувофиқлаштирилиши лозим;

- олий таълим муассасалари ўқув жараёнларини бошқарувининг барча соҳаларига муайян талабаларни вакил қилиб олади ҳамда турли масалалар юзасидан мутназам равишда маслаҳат олишларини таъминлайди.

2. Ўқув жараёни бошқарувининг такомиллашуви ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби салоҳиятининг профессионал даражада ўсиши талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиши билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

3. Олий таълим муассасаларидағи Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг ишини олий таълим даражасига мувофиқ равишда янада кенгайтириш ва кучайтириш йўлларини тадқиқ қиласди.

4. Олий таълим муассасалари ташаббускорларни қўллаб-қувватлайди ва талабаларнинг академик ишчи гурӯҳи ва менежерларнинг бошқа олий таълим муассасаларидағи мувваффақиятли тажрибаларидан фойдаланган ҳолда соҳа бўйича эришилган энг яхши ютуқларни баҳолаш мақсадида йиллик конференция ташкил қиласди.

5. Олий таълим муассасалари талабаларнинг ўқув жараёнига жалб этилишини баҳолаш ва текшириш жараёнини ва аниқ ўлчовли мўлжалларни ривожлантиради.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН ТАВСИЯЛАР

1. Талабаларни олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш Стратегиясини ривожлантириш. Стратегия ва дастур ҳужжатлари олий таълим муассасалари ҳамжамиятининг талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш билан боғлиқ хоҳиш ва истакларини аниқ ва равон ифодалай олиши керак.

2. Дастрекки босқичда жалб этишини таъминлаш.

Талабаларни олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш дастрекки босқичда бошланиши ва талабалик даври мобайнида давом этилиши лозим. Талабаларни эрта таълим сифатини таъминлаш жараёнларига жалб этилиши муҳим ва бу олий таълим муассасасига тайёрланиш ва ўқишига кириш жараёнлариданоқ бошланиши зарур.

3. Университет даражасидаги талаба вакиллар

3.1. Талаба вакиллар тизимини ташкиллаштириш

Талабалар вакиллари олий таълим сифат даражасини ошириш учун тўлақонли аҳамиятга эга. Талаба вакиллар ўқув режаси ривожига, сифатли кафолатга ва кенг амалий фаолиятга жалб этилиши керак. Олий таълим муассасалари талабалар вакилларини қўллаб-құвватлаши ва уларнинг давомий иштирокларини рағбатлантириши керак. Бу ҳамкорлик ўқитиш ва ўрганиш амалиётини кенгайтиради ва талабаларнинг талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда манбаларни ривожлантиришга имкон беради.

3.2. Профессионал қўллаб-құвватлаш хизматларини жалб қилиш

Талабаларни ўқув-машғулотларига фаол жалб этиш академик бўлинмалар орасида ўтказилишга мўлжалланган бўлса, қўллаб-құвватловчи хизматлар эса талабаларнинг тажрибаларини алмашишида муҳим роль ўйнаши мумкин. АКТ хизматлари, таълимни ривожлантириш қўмиталари ва кутубхона



маъқулланган ижобий амалиётларни талабаларнинг белгиланган машғулотларига жалб қилиш профессионал қўллаб-құвватлаш бўйича аҳамиятли бўлади. Масалан, қандай қилиб улар талабаларни олий таълим муассасасининг режалаштириш, менежмент ва мониторинг жараёнларига жалб этиш. Талаба вакилларини профессионал қўллаб-құвватловчи хизматларнинг менежмент гуруҳлари мажлисларида қатнашишини инобатга олиши керак.

3.3. Олий таълим муассасаларидағи Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилотлари ва талабаларни қўллаб-құвватлаш

Олий таълим муассасаларидағи Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилотлари ва талабаларни академик муаммоларни ҳал қилишда, раҳбарият ва профессор-ўқитувчилар билан яқиндан ишлашда ва бошқарув тузилмалари фаолиятида иштирокини эътиборга олиши лозим. Олий таълим муассасаларидағи Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилотлари ва талабалар менежмент ва профессор-ўқитувчилар ҳамда бошқарув бўғинларида талабаларни вакил сифатида кўрсатиши керак. Бу олий таълим муассасалари томонидан қабул қилинган қарорларга ижобий таъсир кўрсатади.

3.4. Фикр-мулоҳазалар бўйича ишлаш ва сифатли таълим хизматларига жалб этиш

Талабаларни фаол ҳолатда муаммоларга ечим топиш, уларни татбиқ қилиш ва кўздан кечириш учун қайта тақриз қилиш мақсадида, ишчи гуруҳ билан давомий ҳолда ишлаш жараёнига ўтиш жуда муҳим. Талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиши таъсирлари ҳақида хабардорликни кучайтириш ва сифати ҳақида яхшироқ маълумот бериш зарур.

Сифатни назорат қиласидиган бўлинмалар талабаларни турли хил сифатни таъминлайдиган хизматларга, масалан, курсларнинг мазмунини такомиллаштиришга дарс машғулотларининг сифатини текширадиган жараёнларга ва бошқаларга жалб қилиши керак бўлади.

4. Факультет/курслар даражасида талабаларнинг вакиллигини ошириш

4.1. Талабаларни факультет Илмий кенгашларида вакиллигини ошириш.

Факультет Илмий кенгашларида вакиллигини ошириш талабалар, академик групҳа ва маъмурият ўртасида очиқ мулоқот ва самарали ҳамкорликни шакллантириши учун ташкил қилиниши керак. Бу доимий равишда талаба вакилларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиши ва қайси масалаларда ўзгаришлар қилиниши мумкинлигини аниқлашлари керак.

4.2. Фикр-мулоҳаза алмашиш тизими니 ривожлантириш

Талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этишнинг энг муҳим элементларидан бири талабаларга ва ишчи жамоага турли ютуқлар ва воқеа-ҳодисалар ҳақида фикр-мулоҳазаларни алмашишни ва талабалардан келган фикр-мулоҳазалар қай тарзда мурожаат қилинганлигини аниқлашдир. Ахборот алмашиш матбуот, журналистика ёки коммуникация соҳалари профессионаллардан иборат бўлишига эътибор беришлари лозим.

5. Талабаларнинг ўзаро ёрдами.

5.1. Ўзаро ёрдам тизимини татбиқ қилиш (устоз-шогирд)

Юқори курсдаги талабалар бошланғич курс талабаларига ўқув жараёни, олий таълим муассасаси ҳаётининг умумий масалалари



бўйича қўнгилли тарзда ёрдам берадиган раҳбарлик лойиҳасини тузиши керак. Бундай лойиҳалар ҳар бир муассаса раҳбарлари учун ишончли тайёрловни таъминлайди ва рағбатлантиришни кучайтириш ёки тизимлардан манфаат топиш (иқтисодий бўлиши шарт эмас) ёки лойиҳада фаол қатнашишга ундаш учун фойдали тизимларни ривожлантиради.

5.2. Вакиллар лойиҳасини ва собиқ талабалар тармоғини ташкил қилиш.

Собиқ талабалар ва битирувчилар мосравишида танланган ва тайёрлантирилган вакиллар лойиҳасини таништириш ва ривожлантириш режаси таҳсил олаётган талабаларга ёрдам таклиф қиласиди, масалан, тажриба алмашишда, амалий семинарларни ташкил этишда ёки битирувчиларнинг иш жойларига вакилларнинг ташрифига ёрдам беради. Олий таълим муассасалари собиқ талабалар тармоғини ёки жамиятини ташкил қилишни яхшилаб мулоҳаза қилиши керак, яъни бу фикр, тажриба ва энг яхши амалиётларни алмашиш ва бўлишишда ёрдам беради.

6. Қўшимча ўқув режаси машғулотлари.

6.1. Талабаларнинг клуб ва жамоатларини қўллаб-қувватлаш.

Олий таълим муассасалари талабаларини ўз низомларида ва турли фан соҳаларида янги қўникмаларни ҳосил қилиш ва билимларини кенгайтиришга ундейдиган клуб ва жамиятларни ташкил қилишни рағбатлантириши керак. Талабалар ҳам ўзларининг жамоада ишлаш қўникмаларини ва гуруҳларда қандай ишлаш кераклигини, маълумот алмашишни, лойиҳалар ва маросимларни ташкил этишни ўрганишади.

6.2. Турли-туманликка эришиш: бандликка қўмаклашиш, амалиётга жалб қилиш, қўнгиллилик.

Олий таълим муассасалари талабаларнинг ишга жойлашиши, интернатура ва амалиётнинг бошқа шаклларини, турли ташкилотлар билан биргаликда ҳайриҳоҳликни шакллантиришга ва ёрдамга муҳтоҷларга бир пайтнинг ўзида ёрдам

берувчи ишларни қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантириши керак.

6.3. Фикр алмашиш ва маълумотларни ўртоқлашиш мақсадида доимий тадбирларни ташкиллаштириб туриш.

Олий таълим муассасалари ходимлари ва талабаларни фикр алмашиш ва инновацияларни мұхокама қилиш учун бирлаштириш ҳамда талабаларни ўқув жараёни сифатини таъминлашга жалб этишни амалиётда қўллаш фойдали бўлади. Олий таълим муассасасига тегишли бўлмаган, масалан, иш берувчилар, профессионал ташкилотлар ва нодавлат ташкилотларидан битирувчилар, собиқ талабаларни таклиф қилишни кенгайтириш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

6.4. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш, онлайн мулоқотлар ташкил этиш, ташрифлар уюштириш.


Олий таълим муассасалари талаба ва ўқитувчиларнинг бирлашган ҳолда қўшимча ўқув машғулотлари ва онлайн мулоқотлар ташкил қилиш кабиларни биргаликда ва жамоада ишлаш мұхитини шакллантириш учун қўллаб-қувватлаши керак. Масалан, кўргазмаларга ёки бошқа учрашувларга доимий ташриф буюриш ва бу машғулотларнининг курсларга боғланиши; талаба ва маъмуриятнинг доимий онлайн маълумот алмашишлари ва лойиҳалар устида яқинроқ ишлашлари лозим.

7. Қўллаб-қувватлаш ва тақдирлаш

Олий таълим муассасалари Талабаларни ўқув жараёнига жалб этишнинг ривожланиши учун ижобий, амалиётга йўналган усулларини амалга ошириш мажбуриятини олиши ва ижобий натижаларга, ютуқларга эришган, янгилик яратувчи ёшлар, талабаларни мукофотлаш ва тақдирлаш ишларини йўлга қўйиши лозим. Талабалар ва академик гурӯҳ учун уларнинг ўқитиш ва ўқиш жараёнларига янада фаол тарзда жалб қилиниши учун рағбатлантирадиган ва тақдирлайдиган мұхитни яратиш мұхим ҳисобланади.

8. Олий Таълимда ҳалқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш

Олий таълим муассасалари талабаларнинг ҳалқаро даражаларга жалб қилиниши учун хорижий таълим муассасаслари билан алоқада бўлиши, дунё бўйлаб профессионаллар ва академиклар билан мулоқотда бўлиш имкониятларини берадиган шароитларни яратishi керак. Ҳалқаро тажрибада бундай ёндашув янги имкониятларни очади ва талабаларнинг профессионаллик, ишлай олиш олиш ва касбий маҳоратларини оширади ҳамда уларнинг ўрганиш тажрибасида мұхим таркибий қисм бўлиб қолади.



IMEP лойиҳаси доирасида ўтказилган Мастерклассада тўпланган мисоллар. Лондон, 2018 йил 7-8 марта

ИШ БЕРУВЧИЛАРНИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИГА ЖАЛБ ЭТИШ

Охирги икки йилликда Ўзбекистон олий таълим соҳасида сезиларли ўзгаришлар юз берди, жумладан, олий таълим муассасаларига академик мустақилликнинг босқичма-босқич берилиши, олий таълим муассасаларида ўқитиш сифатини таъминлаш бўлинмаларининг ташкил этилиши, олий таълимнинг халқаролашуви, ўқув юкламалари тақсимотидаги ўзгаришлар, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг такомиллашуви, замонавий ўқитиш методларини жорий этилишини ривожлантириш, талабаларда креатив ва инновацион фикрлашни шакллантириш механизмлари жорий этилди. Олий таълим муассасалари томонидан таълим сифатини ошириш, халқаро ҳамкорлик ва илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари қўшимча молиялаштириш йўлларини излаши керак.

Ўзбекистонда битиравчиларни иш билан таъминлаш масаласи устувор аҳамиятга эга. Талабаларнинг ишга жойлашиш даражасини ошириш мақсадида қатор қарорлар қабул қилиниб, ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги 3151-сонли "Олий таълим соҳасидаги мутахassisларни тайёрлаш ва бошқарув сифатини оширишда иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳаларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори олий таълим муассасалари ҳамда иш берувчилар олдида турган кенг кўламли вазифаларни қамраб олади.

Жумладан, малакали мутахassisлар тайёрлаш ва битиравчиларни ишга жойлаштириш жараёнига иш берувчиларни кенг жалб қилиш масаласи IMEP лойиҳасининг иш дастурларидан бири сифатида танланган. Ушбу аниқ дастур доирасида талабалар, иш берувчилар, профессор-ўқитувчилар ва раҳбар ходимлари ўртасида сўровнома ўтказилди, олий таълим муассасаларининг илғор иш



тажрибалари, Васийлик кенгашининг фаолияти ўрганилди ва таҳлил этилди, шунингдек ҳамкаслар ва лойиҳага жалб этилган бошқа иштирокчилар билан биргаликда муҳокамалар ўтказилди.

Муҳокамалар натижаси сифатида Васийлик кенгаши тўғрисидаги низомга қўшимча бандлар киритиш таклиф қилинди. Шундай қилиб, Низомнинг 10-бўлими (II банд-Кенгашининг вазифалари ва ваколатлари) га баъзи муҳим тавсиялар тайёрланди, жумладан меҳнат бозорини ривожлантириш тенденцияларига мос мутахassisлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, мазкур мутахassisликлар учун тавсия этилаётган дастурларни қўллаб-қувватлаш, ўқув режаларига инновация ва тадқиқотлар билан боғлиқ фанларни киритиш, талабалар учун амалий машғулотлар ташкил этиш ва кадрларни замон талабларига мос равища қайта тайёрлаш шулар жумласидандир.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВАСИЙЛИК КЕНГАШЛАРИНИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

1. Ҳар бир олий таълим муассасаси, иш берувчилар билан ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқишида қўйидаги аниқ вазифаларни белгилаб олиши керак:

- Битиравчиларни ишга жойлаштириш натижаларидан келиб чиқиб шакллантирилган мақсадларнинг аниқ баён этилиши ва мақсадларни амалга оширишнинг аниқ режаси, муддатлари ва бошқ.

- ОТМ тузилмасининг барча бўғинларида (факультетлар даражасида, раҳбар ходимлар таркибида) битирувчиларни ишга жойлашириш ишларини яхшилашга ёрдам берадиган асосий бўлимлар, лавозимлар, уларнинг мажбуриятлари, тузилма ва жараёнларга аниқлик киритиш.
- Васийлик кенгашига қўйидаги манфаатдор томонларнинг вакилларини жалб қилиш: бошқа таълим муассасалари; давлат органлари (масалан, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги); асосий иш берувчилар ва ижтимоий шериклар; жамоат ташкилотлари, жамғармалар, ўюшмалар; талабалар; ота-оналар; ОАВ.

2. Таълим жараёнида Васийлик Кенгашининг ролини ошириш, хусусан: ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиша иштирок этиш; тренинг машғулотларини ўтказиш ва кафедра йиғилишларida қатнашиш ва ҳ.к.

3. Битирувчиларни замонавий меҳнат бозорига тайёрлаш учун олий таълим муассасаларининг барча турдаги фаолиятини талабаларга танқидий фикрлаш ва тегишли амалий қўникмаларни ривожлантириш имкониятини бериш нуқтаи-назаридан ўрганиб чиқиш, таҳлил этиш ва ривожлантириш.

4. Талабаларнинг ишга жойлашиш имкониятларини ошириш мақсадида барча фанлар дастурларини битирувчиларни ишга жойлашиш даражасини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш.



5. Талабаларда тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарини талабаларнинг малакавий амалиётларини самарали ташкил этишга жалб этиш, бизнес-инкубаторлар, коворкинг марказларини ташкил этиш, танловлар ўтказиш, корхоналар билан илмий тадқиқот дастурларини жорий этиш, бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш ва устоз-шогирд дастурларини, шунингдек иш берувчилар ва талабалар иштирокида клиникалар-маслаҳат марказлари (масалан юриспруденция бўйича)ни йўлга қўйиш, бир вақтнинг ўзида иш берувчилар, талабалар ва битирувчиларни жалб қилган ҳолда ҳар йили тадбирларни ўтказиш.

6. Талабалар ва иш берувчилар учун бўш иш ўринлари, стажировка ва иш тажрибасини ўзлаштиришнинг бошқа имкониятлари ҳақида маълумот берувчи ягона миллий вебсайт яратиш.

7. Олий таълим муассасаларининг иш берувчилар билан турли даражадаги (маҳаллий ва халқаро олий таълим муассасалари) ўзаро ҳамкорликнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш механизмларини ишлаб чиқиш.

8. Талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташ имкониятларини ошириш, волонтёрлик (қўнгиллилар) ва устоз-шогирд дастурларини жорий этиш, битирувчиларни ўқитиш ва ишга жойлашириш мақсадида иш берувчилар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш. Ишлаб чиқариш амалиётни ўташ соатини кўпайтириш.

9. Битирувчилар жамиятини яратиш, шунингдек, битирувчилар учун талабаларга мураббийлик вазифасини бажариш, ўқув дастурлари бўйича таклифлар киритиш, касбий тайёргарликка қўйиладиган талаблар ва меҳнат бозорининг ўзгарувчан тенденциялари ҳақида ахборот тақдим этиш имкониятларини яратиш.

10. Иш берувчиларни жалб этиш амалиёти ва тамойилларини қўллаб-қувватлайдиган узлуксиз касбий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

11. «Ўқитувчи-амалиётчи» тушунчасини рафбатлантириш, масалан, ўқитувчилар учун уларнинг индивидуал касбий ривожланиш дастури доирасида доимий амал қиласиган қисқа муддатли ишлаб чиқариш амалиётини ўташ дастурини жорий қилиш. Бу ўқитувчиларни инновация, технология ва меҳнат бозорининг ўзгарувчан эҳтиёжлари ва иш берувчилар учун зарур бўлган кўникмалар ҳақидаги ўз билимларини янгилашига имкон беради.

12. Стратегияни қўллаб-қувватлаш учун маркетинг ва коммуникация режасини ишлаб чиқиш (масалан, меҳнат бозорини таҳлил қилиш, ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, барча манфаатдор томонларнинг Васийлик Кенгашининг вазифалари бўйича хабардорлигини ошириш ва ҳар хил алоқа каналлари, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва бошқалар).

13. Квалиметрик мақсадларнинг аниқ тўпламини ишлаб чиқиш, натижаларни мониторинг қилиш ва баҳолаш. Бу талабалар ва битиравчилар ўртасида сўровномалар, мониторинг дастурлари бўйича маълумотлар, шу жумладан, иш берувчилар, ходимлар ва талабаларнинг ҳисботларини ўз ичига олади. Бу Васийлик Кенгашини бандлик соҳасида стратегияларни ишлаб чиқишда ва унинг самарадорлигига таалуқли ахборотлар билан таъминлашда ёрдам беради.

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ТАВСИЯЛАР

1. Ўқув жараёнида ишга жойлашиш кўникмалари интеграцияси

Бирор фан дастурини ишлаб чиқаётганда ёки машғулот ишланмасини тайёрлаётганингизда мақсадларингиз ва таълим натижаларингиз битиравчиларни ишга жойлаштириш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилганингига ишонч ҳосил қилинг. Иш берувчилар битиравчиларнинг нафақат олий таълим муассасасини якунлагач фанга оид билимларга эга бўлишларини, балки танқидий фикрлаш, жамоа билан ишлаш,

музокара олиб бориш қобилияти, етакчилик, мослашувчанлик, муаммони ҳал қилиш ва ташкилий кўникмалар каби иш учун зарур бўлган кўникмаларга эга бўлишларини кутишларини унутманг. Талабалар иш берувчилар қадрлайдиган, ўқитиш дастури билан ишга жойлашиш имкониятлари ўртасидаги алоқани аниқ англашлари муҳимдир. Улар ўзларининг билимларини ишга кириш учун тўлдириладиган резюме, анкеталарда, келажақдаги иш берувчилар билан бўладиган учрашувларда, конференцияларда кўрсатиш учун яхши мулоқот қобилияти ва ўзига нисбатан ишончга эга бўлиши керак.

2. Баҳолаш тизимини битиравчиларнинг касбий натижалари билан мослаштириш

Олий таълим муассасалари битиравчилари қаерда ишлашларини билиб олинг. Қандай ишларни амалга ошириши кераклигини таҳлил қилинг ва керак бўлганда, билим ва кўникмаларни баҳолаш тизими билан мослаштиринг. Мисол учун, агар сизнинг баҳолаш тизимингиз қофоз ёки электрон шаклдаги тест тўпламлари сифатида тақдим этилса, битиравчиларингиздан иш жойида мунтазам равиша факларга асосланган билимларга мурожаат қилиш зарурати билан боғлиқ вазиятлар ҳақида сўраш фойдали бўлади. Кўпинча талабалар мавжуд баҳолаш тизимида катта ҳажмдаги ёзма материаллар тайёрлаши керак. Бу кўникма ўқишини давом эттиришни режалаштирганлар учун фойдали бўлиши мумкин, аммо барча битиравчилар билимларни баҳолашнинг ушбу ёндашувидан тенг равиша фойдаланишлари мумкин эмас, шунинг учун





битиравчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш имконини берувчи усул ва воситаларни ишлаб чиқиш мұхимдир. Талабаларнинг турли хил кўникмаларини, жумладан ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш, шунингдек танқидий ва таҳлилий фикрлаш, муаммони ҳал қилиш, ўз вақтини самарали бошқариш ва келажакда иш берувчилар учун зарур бўлган бошқа кўплаб кўникмаларни кўрсатиш имконин берувчи баҳолаш тизимини ишлаб чиқинг. Ихтисосликдан келиб чиқсан ҳолда баҳолашнинг бундай шаклларига мисол сифатида кейс-стади, лойиҳа ишлари, ишлаб чиқариш амалиёти, аниқ иш вазиятлари ва бошқалар бўлиши мумкин. Талабаларни ўз-ўзини, бошқа талабалар томонидан баҳолаш шакллари билан боғлиқ баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга жалб қилиш керак. Бу олий таълим мұассасаларига талабаларда ўқиш ва унинг натижалари учун ўзларининг масъулиятини оширишга ёрдам беради. Шу билан бирга, амалий кўникмаларга баҳо беришни курснинг бошидан жорий этиш мұхим аҳамият касб этади.

3. Талабалар билан уларни ишга жойлашиш имкониятларини мұхокама қилинг

Тез ривожланаётган технологиялар ва ахборотлар даврида меҳнат бозори мунтазам ўзгариб боради ва янги имкониятлар доимо пайдо бўлади. Ўқув режасини ва ўқитиш усулларини тўғри мувофиқлаштириш учун меҳнат бозоридан диомий равишда хабардор бўлиб туриш

мұхимдир. Ушбу маълумотларни талабалар билан доимо ўртоқлашинг ва уларни ишга жойлашиш имкониятлари ҳақида ўйланг. Талабаларни меҳнат бозорига яхшироқ тайёргарлик кўриши учун бу масалаларни кенг ва очиқ мұхокама қилиш керак. Талабалар қаерга ишга боришлари ҳақида ҳақиқий тасаввурга эга бўлишлари керак ва қандай ишларни амалга оширшларини англашлари лозим. Талабалар билан бутун ўқув йилида ишга жойлашиш имкониятлари ҳақида сұхбатлар ўтказиш зарур.

4. Талабаларга амалиёт орқали тажриба орттириш имкониятларни яратиш.

Талабаларнинг ишга жойлаши қобилияtlари анъанавий академик кўникмалар билан бир қаторда аниқ амалий вазиятлар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади. Шунга кўра, Сиз ўқув дастурингиздаги ишлаб чиқариш амалиётини стажировка, ишлаб чиқаришга саёҳат (кўчма машғулотлар), касбий маҳорат мактаблари, тадбиркорлик ташаббуслари ва ҳоказо шаклларда амалга оширишингиз мумкин. Талабаларга ўзларининг таълим тажрибаларини иш тажрибаси орқали оптималлаштириш, амалиёт ва стажировка ўташ имконияти учун етарли шарт-шароитни яратиш лозим.

5. Иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилинг

Иш берувчиларни ўқув дастурлари, билим ва кўникмаларини баҳолаш тизимини ишлаб чиқишга жалб қилинг, улардан талабалар ушбу билим ва кўникмаларни иш жойида қачон ва қай тарзда қўллашлари ҳақида тақриз беришларини сўранг. Иш берувчиларни битирав иши/магистрлик диссертация ишларини ҳимоя қилиш, лойиҳа тавсияларини баҳолаш жараёнларига таклиф қилинг. ОТМнинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлик алоқаларини яхшилаш учун иш берувчилар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш ва ҳар икки томоннинг тегишли жойлардаги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари учун мұхокамалар ўтказиш фойдали ҳисобланади. Бундан ташқари, иш берувчиларни келгусидаги иш ва бурчларига

оид саволларига жавоб бериш учун талабалар билан учрашувларга мунтазам таклиф этинг.

6. Битирувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш

ОТМ битирувчилари билан доимий алоқада бўлинг. Уларни ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашишлари учун олий таълим муассасасига таклиф қилинг. Бундан ташқари, бундай учрашувлар онлайн форум шаклида ўтказилиши мумкин. Учрашув олдидан талабалар битирувчиларга улар

қизиққан мавзуда олдиндан савол тайёрлашлари мумкин. Битирувчилардан очик ва холис бўлиб саволларга жавоб беришларини сўранг. Муваффақият ёки муваффақиятсизликлар, битирувчилар томонидан ёзилган ва улар томонидан тақдим этилган амалий маслаҳатлар, талабаларнинг иш қобилиятини ривожлантиришнинг мұхимлиги тўғрисида хабардорлигини оширишга ва уларни кўпроқ иштиёқини оширишга ёрдам беради.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Таълим сифати жаҳон миқёсида рақобатбардош бўлган тадқиқот натижаларига эришиш мақсадида ўқув жараёнини баҳолаш ҳамда ўз ривожланиш стратегиясини оптимал равишда режалаштириш учун унинг натижаларига баҳо беришни ўз ичига олади.

Бошқа элементларни инкор этмаган ҳолда таълим жараёни ва уни самарали ташкил қилиш таълимнинг асосий элементи ҳисобланади. Шундай қилиб, олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолашда мұхим эътибор амалдаги жараёнлар доирасидаги ўқув жараёни (илмий, таълим-тарбия фаолияти, уни бошқариш ва ташкил қилиш, ўқув технологиялари ва шу кабилар) сифатини баҳолашга қаратылади.

Таълим мұассасалари оммалашған ва стратегик бошқарувнинг таркибий қисми бўлган сифатни таъминлашга қаратилган сиёсатни юритишлари лозим. Маҳаллий манфаатдор томонлар ташқи манфаатдор томонлар иштирокида тегишли тузилмалар ва жараёнлар орқали бу каби сиёсатни ишлаб чиқишилари ва жорий этишлари керак.

Таълим сифатини таъминлаш сиёсати ва жараёнлар олий таълим муассасаларида узлуксиз равишда такомиллаштириш циклини яратадиган ва муассаса ҳисботини тайёрлашга кўмаклашадиган сифатни таъминлашнинг яхлит тизимининг асосий

элементлари ҳисобланади. Бу тизим сифат маданиятины ривожлантиришини таъминлайди ва бунда барча маҳаллий манфаатдор томонлар сифатни таъминлаш ва ташкиллаштиришнинг барча босқичларида сифатни таъминлаш ишида қатнашиш вазифаларини ўз зиммаларига олишлари лозим. Ушбу вазифани бажаришни енгиллаштириш учун таълим сифати сиёсати юқори мақомга эга бўлиши ва барча учун очиқ бўлиши талаб этилади. Сифатни таъминлаш сиёсати илмий тадқиқот ва ўқитиш ўртасидаги муносабатларни акс эттира олса ҳамда муассаса ўз фаолиятини олиб борадиган миллий контекст, институционал контекст ва стратегик ёндашувни инобатга оладиган бўлса янада самаралироқ бўлади. Бу каби таълим сифати сиёсати қуйидагиларни қўллаб-қувватлайди:

- ✓ Сиfatни таъминлаш тизимини ташкил қилиш;
 - ✓ Сиfat соҳасида муайян мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган кафедралар, мактаблар, факультетлар ва бошқа ташкилий тузилмалар, шунингдек муассаса раҳбаријати, ходимлар ва талабалар;
 - ✓ методик таъминот;
 - ✓ сиfatни таъминлашга ташқи манфаатдор томонларни жалб қилиш.

Илмий тадқиқотлар ва бошқарув тизими сифатини баҳолашнинг мақсади рақобатбар-дош таълим, шунингдек узлуксиз таълимни ривожлантириш мақсадида университет ре-сурсларининг (илмий кадрлар, инфраструк-тура, молиявий ресурслар) тӯғри режалашти-рилиши ва жойлаштирилишини таъмин-лашдан иборат.

Таълим сифати олий таълим муассасасида амалга оширилаётган таълим жараёнининг мослигини таснифловчи таълим параметрларининг таълим принциплари (тамойиллари) ва ривожлантириш стратегияси билан уму-мийлигини очиб беради.



Ўқитиши сифати таълим жараёнининг таълим мақсадларига мослигини акс эттирувчи ҳолатни англатади.

Сифат кўрсаткичлари олий таълим муассасининг сифат талабларига эришганлик дарражасини таснифловчи маълумот бирликлари (статистик маълумотлар, мурожаатлар) ҳисобланади.

Сифатни баҳолаш соҳалари ва кўрсаткичлари:

№	Сифатни баҳолаш соҳалари	Сифатни баҳолаш кўрсаткичлари
1.	<p>Ўқув дастурлари олий таълим муассасаларида дарс беришнинг асосини ташкил этади. Улар талабаларнинг билим ва кўнгилмаларини ошириш, шунингдек уларнинг шахсий ривожланиши ва келгусидаги фаолиятида қўлланилиши мумкин. Шахсга йўналтирилган ўрганиш ва ўқитиши талабаларнинг мотивациясини рағбатлантириш, ўз фикрини ифодалаш ва таълим жараёнидаги фаол иштирокини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу ўқув дастурларини пухта ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда натижаларни баҳолашни англатади.</p> <p>(Олий таълим доирасида Европа ҳудудида сифатни таъминлаш бўйича стандартлар ва тавсиялар, http://www.enqa.eu/wp-content/uploads/2015/11/ESG_2015.pdf)</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Ўқув дастурларининг мақсади ва ўқитиши натижаларининг аниқлиги ва очиқлиги. 2) Таълим мазмунининг давлат стандартлари ва бошқа норматив актлар (меъёрий ҳужжатлар) га мослиги. 3) Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, бошқариш ва амалга оширишда изчиллик принципларига амал қилиш, яъни талабалар, ўқитувчilar ва иш берувчilarни дастурларни ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш жараёнига жалб қилиш. 4) Ўқув дастурини методологик (шунингдек курсни ўрганиш дастури ва тематик режалар жадвали), ахборот, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватланишини таъминлаш. 5) Ўқув дастурлари сифатини ҳар йили баҳолаб бориш, улардаги заиф ва кучли томонларни ўрганиш, такомиллашириш мақсадида улардаги ўзгаришлар, имкониятлар ва ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш
2.	<p>Академик персонал сифати</p> <p>Талабаларда юқори сифатли тажрибани шакллантириш ҳамда билим, кўнгимса ва малакаларни эгаллаш имконини яратишида ўқитувчининг роли муҳим аҳамиятга эга. Талабалар жамоасини диверсификация қилиш ва натижаларни ўрганишга кўпроқ эътибор қаратиш шахсга йўналтирилган таълим ва ўқитишини талаб этади, ўз навбатида, педагогнинг роли ҳам ўзгаради. Олий таълим муассасалари ўз кадрлари сифати, шунингдек уларга ўз вазифаларини самарали тарзда бажаришлари учун қулай шароитларни яратиш бўйича асосий масъулиятни ўз зиммасига олади.</p> <p>(Олий таълим доирасида Европа ҳудудида сифатни таъминлаш бўйича стандартлар ва тавсиялар, http://www.enqa.eu/wp-content/uploads/2015/11/ESG_2015.pdf)</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Фоиздаги фан докторлари нисбати 2) Касбий ва илмий соҳадаги тажрибаси 3) Педагогик маҳорат, бошқа малака ошириш курсларида ўқиш 4) Илмий мақолалар 5) Илмий ихтиролар 6) Патентлар 7) Анжуманлардаги иштироки 8) Лойиҳаларни бошқариш ва уларда иштирок этиш 9) Бошқа олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик 10) Хорижий талабалар билан ишлаш 11) Ўқитувчilar томонидан ишлаб чиқилган дарслик ва бошқа ўқув материаллари 12) Профессионал соҳадаги фаолияти 13) Ҳудуд/вилоят/университет ривожига қўшган ҳиссаси 14) Лекторларнинг мукофотланганлиги 15) Интизом ва этика қоидаларига риоя қилиш 16) Лекторларни баҳолаш ва мотивация қилиш тизими
3.	<p>Талабалар билан ҳамкорлик даражаси сифати</p> <p>Фан дастури тўғрисидаги маълумот талабалар учун доим бўлиши лозим. Бу маълумот объектив, етарли даражада шаффоф ва жамоатчилик учун очик бўлиши керак.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Мақсадли ва мотивацияга эга талабалар гурӯҳини шакллантириши мақсадида ўрта маҳсус таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш. 2) Талабалар билан ўқиш имкониятлари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини муҳокама қилиш, ахборот дастурлари ва оммавий ахборот воситаларида мақолалар бериб бориш, меҳнат бозорлари ва очик эшиклар кунларини ташкил қилиш ва ш.к.

№	Сифатни баҳолаш соҳалари	Сифатни баҳолаш кўрсаткичлари
4.	Бити्रувчилар билан ҳамкорлик сифати Маъсулиятли қарорлар қабул қилиш учун битириувчиларнинг ютуқлари ҳақида маълумотлар бериш, шунингдек таълим дастурлари битириувчилари билан мунтазам равишда қайта алоқани йўлга қўйиш муҳимdir.	1) Битириувчиларнинг ишга жойлашиши (%) учун имкониятлар яратиш; 2) Ўз ўқишини давом эттираётган битириувчилар нисбати; 3) Битириувчиларнинг рақобатбардошлиги.
5.	Ўқув жараёни сифати Таълим муассасалари талабалар «ҳаёт цикли» нинг барча босқичларини қамраб оладиган олдиндан белгиланган ва чоп этилган қоидаларни кетма-кет қўллашлари лозим, масалан, талабалар қабули, ўзлаштириш, ютуқлари, тан олиниши ва сертификацияси. Ўз академик карьерасида муваффақиятларга эришиш учун талабаларга зарур бўлган шароитларни яратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш талабалар, дастурлар, муассасалар ва умуман тизим учун жуда муҳимdir. Талабалар олий таълим тизими ичида ва ўртасида мобил (ҳаракатчан) бўлган ҳолатда қабул, тан олиш ва битириув тамойиллари мақсадли бўлиши ўта муҳим. <i>(Олий таълим доирасида Европа ҳудудида сифатни таъминлаш бўйича стандартлар ва тавсиялар, http://www.enqa.eu/wp-content/uploads/2015/11/ESG_2015.pdf)</i>	1) Инновацион ўқитиш жараёнлари методи ва кутилаётган натижаларни аниқ белгилаб олиш. 2) Талабалар учун консультациялар, ўқишига бўлган қизиқиши (мотивацияни) ошириш. 3) Билим ва малакаларни баҳолашда объективлик, шунингдек ушбу натижалардан ўқув жараёнини такомиллаштиришда фойдаланиш. 4) Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларидаги иштироки (танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг ўқув дастури мазмунига алоқаси), талабаларнинг илмий ишлари танлови (мукофотлар, тақдирлаш, махсус стипендиялар). 5) Халқаро ҳамкорлик, бошқа университетлар билан талабалар алмашинуви, талабаларнинг хорижда амалиёт ўташи учун имкониятлар. 6) Мобиллик дастури бўйича ўқиши натижаларининг тан олиниши. 7) Ўқув юкламаси, мустақил ишларни ташкил қилиш - режа, ҳажм, экспертиза турлари ва ш.к.; консультация олиш имконияти; ахборотга кириш; ўқув курси мазмуни, ўқув курсларини жойлаштириш тузилмаси ва уларнинг узвийлиги, ўзгарувчанлиги ва янгилиги. 8) Олий таълим муассасасининг миллий ва халқаро рейтинглардаги ўрни. 9) Ишончли ва амалдаги иш берувчилар билан учрашувлар (турлари ва келиб-кетиш вақтлари) 10) Олий таълим муассасасидаги талабаларнинг ҳиссиётлари: а. Ўзлаштирилган билим, малака, муносабат, ижтимоий алоқалардан қониқиши; б. талабанинг ижтимоий мавқеи (ижтимоий роли) дан фойдаланиш кўлами (имкониятлар); с. педагогик жараён субъектлари (талабалар)нинг индивидуал қизиқишилари ва эҳтиёжларига ҳурмат билан қараш; д. талабанинг ўз имкониятларидан фойдаланиш ва ўз ўрнини белгилаш даражаси.
6.	Ахборот манбалари (ресурслар) ва инфратузилма сифати Талаба ва профессор-ўқитувчиларга ўқув дастурига мос сифатли ахборот ресурслари ва инфратузилмани яратиб бериш керак.	1) Таълим сифатини таъминлаш бўлимининг мавжудлиги. 2) Ўқув жараёни ахборот тизими (талабаларни рўйхатга олиш, дастурларни рўйхатга олиш, кадрларни рўйхатга олиш ва ш.к.). 3) Таълим жараёни ва илмий-тадқиқот инфратузилмасининг сифати (бинолар, хоналар, уларнинг жойлашуви, кутубхона хизматлари, ахборот олиш имконияти, Интернет, компьютерлар, барча турдаги жиҳозлар ва ш.к.). 4) Ишчи ва таълим муҳитини таснифловчи миқдорий кўрсаткичлар (битта ходим ёки талабага m^2 жой, ҳар бир персоналга компьютерлар ва бошқа жиҳозлар нисбати). 5) Ёрдамчи инфратузилма сифати (мехмонхона хизматлари, умумий овқатланиш жойлари хизмати, спорт маркази, маданий тадбирлар ва ш.к.).

Жамоатчиликга ўқув жараёнини бошқариш ва унинг амалга оширилиш ҳолати, шунингдек мунтазам равишдаги ташқи таълим сифа-

тини баҳолаш натижалари ҳақидаги маълумот бериш таълим жараёнини ташкил қилиш ва таълим сифатини таъминлашнинг зарурий шартларидан ҳисобланади.

Олий таълим муассасаси фаолияти ҳақидаги маълумотлар ўқиётган ва бўлғуси талабалар, битирувчилар, бошқа манфаатдор томонлар ва жамоатчилик учун фойдалидир. Шундай қилиб, муассасалар ўз фаолияти, шу билан бирга ўzlари таклиф этаётган дастурлар ва улар бўйича танлов мезонлари, бу дастурлар бўйича эришилиши кутилаётган натижалар, бериладиган квалификациялар, ўқитиш, ўқиш ва баҳолаш жараёни, ўтиш баллари ва ўз талабалари учун яратилган таҳсил олиш имкониятлари, битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши ҳақидаги маълумотларни беради.

Жамоатчилик ва турли мақсадли гурӯҳларга маълумот беришнинг бир неча йўллари мавжуд:

- 1) бўлғуси талабалар;
- 2) таҳсил олаётган талабалар;
- 3) бўлғуси ва фаолият юритаётган иш беरувчилар;
- 4) давлат органлари;
- 5) ва бошқалар.


Сифатни таъминлаш мақсадида жамоатчиликда объектив ва тўлиқ маълумот бўлишини таъминлаш мухимdir, масалан, веб саҳифалар ва бошқа манбаларда.


Турли шакллардаги ташқи сифат назорати жараёнида таълим муассасалари ички сифат назоратининг самарадорлигини текширилиши, кўрсаткичларни яхшилиш учун катализатор сифатида фойдаланиш ҳамда таълим

муассасаларига янги истиқболларни таклиф этиш мумкин. Унда таълим сифатига ташкилотлар ва жамоатчиликни ишонтириш учун керак бўладиган маълумот бўлади. Таълим муассасалари, тегишли ҳолатларда, ўzlари фаолият олиб бораётган ҳуқуқий меъёрлар талабларини инобатга олувчи циклик ташқи сифат назоратида иштирок этади. Шу сабабли, тузилмаси (структураси)га қараб бу каби ташқи сифат назорати турли шаклларда бўлиши ва турли ташкилий даражада (масалан, дастурлар, факультет ёки олий таълим муассасаси) бўлиши мумкин. Сифат назорати ўзлуксиз жараёндир, у ташқи қайта алоқа ёки ҳисобот ёки таълим муассасасидаги келгусидаги жараёнлар билан якунинг етмайди. Шунинг учун муассаса сўнгги ташқи сифат назоратидан кейин эришилган натижани келгусидаги назоратга тайёргарлик кўриш вақтида инобатга олишга ҳаракат қилиши лозим.


Ташқи сифатни баҳолаш таълим секторининг масъулияти ҳисобланади. Энг мухим жиҳатлар (аспектлар)дан бири сифатни баҳолаш вазифасини таълим сиёсатини амалга ошириш вазифасидан ажратиб олишдир. Умумжаҳон тармоғида ахборот тарқатиш маҳаллий олий таълим муассасалари учун халқаро даражага чиқиш ва нафақат миллий, балки жаҳон олий таълим ҳудудида рақобат қилиш имконини беради. Натижада, олий таълим муассасалари мақсади ва халқаро даражада баҳоланиши муқаррар бўлиб қолади, бу эса шубҳасиз таълим сифатини оширишга ёрдам беради.

Олий таълимда сифатни таъминлаш тузилмаси






Олий таълим мұассасаларыда таълим сифатини таъминлаш модели



Олий таълим сифатини таъминланг түзилмаларниң функционал вазифалари

Кафедра	ОТМ	Факультет	Вазирлик	ТСНКДИ
<ul style="list-style-type: none"> • Ўкув дастурларига мувофиқ, тарзда Ўкув жарабайининг сифатини таъминлаш; • Кафедрага тегишли фанлар бўйича ахборот таъминотини яратиш; • Педагог кадрларнинг таъргирагилгининг сифатини таъминлаш; • Ўкув лаборатория, таъмининг техник восителарининг ишлашини таъминлаш; • Талабаларнинг ўзлаштириши даражасини мониторингини ташкил Килиш; • Кураторлик тизими орқали мавъиавий-маърифий таддиқларни ташкил Килиш; • Хорижий ингор тажрибаларни жорий Килиш; • Таълимнинг илғор технологияларни тадбик Килиш за жорий Килиш бўйича чора-таддиқларни ташкил Килиш; • Талабаларнинг илмий фолиагитига раҳбарлик Килиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Ишчи йўкув режалар ва дастурларнинг Даълат таълим стандартларига мувофиқигити таъминлаш; • Ўчилий йўланларини сифатли ташкил Услубий таъминоти; • Профессор-йутичукчиларни жалб килиш ва уларнинг фаолиятини ташкил Килиш; • Тавлими йўналишлари бўйича Ўкув жарабайининг сифатини таъминлаш ва Укув-педагогик хамда илмий-услубий раҳбарlikни амала ошириш; • ОТМнинг моддий-техник, молиявий таъминотини ташкил Килиш; • Талабаларнинг эхтиёжларига мос таъзода таълим-тарбия жарабайини таъминлаш; • Сифатни таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибаларни жорий Килиш; • Таълим-тарбия жарабайининг жононий хоборт таъминотини ташкил Килиш; • ОТМларда илмий-тадқикот ишларни ташкил Килиш ва уларнинг самародорлининг ошириш; • Етакчи хорижий ОТМлар билан халқаро хамкорликни йўлга кўйиш; • Талабалар давомати ва ўзлаштиришини назорат Килишни ташкил Килиш; • Иш берувчилар билан ишлаш тизимини ташкил Килиш; • Етакчи хорижий ОТМлар билан халқаро замкорликни йўлга кўйиш; • Талабалар давомати ва ўзлаштиришини назорат Килишни ташкил Килиш; • Илмий ишларни режалаштириш, ташкил Килиш ва доммий тарзда токомиллаштириш; • Профессор-йутичукчиларнинг шахсий иш режаларининг бажарулишини ташкил Килиш ва назорат Килиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўчилий таълим сифатини таъминлаш соҳасидага ягона давлат сиёсатини амала ошириш; • Ўчилий таълим сифатини таъминлаш тизимини ривожлантириш; таъминлаш тизимини ривожлантириш; • Ўчилий таълим сифатини таъминлаш таъминлаш тизимини ривожлантириш; таъминлаш тизимини ривожлантириш; • Ўчилий таълим сифатини таъминлаш таъминлаш тизимини ривожлантириш; таъминлаш тизимини ривожлантириш; • Кафедралар тайёрлаш сифатининг мониторингиз тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; • Таъхиллар асосида олий таълим сифатини баҳолаш; • ОТМларда сифат таъминоти масалаларига оид эксперт хулосаларини тизимли тарзда тайёрлаш; 	<ul style="list-style-type: none"> • Олий таълим сифатини таъминлаш наэратини таъминлашни ва текширишарини ташкил Килиш; • Олий таълим сифатини таъминлаш атtestацияларини ва давлат ва ўқказиш; • Кафедралар тайёрлаш сифатининг мониторингиз тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; • Таъхиллар асосида олий таълим сифатини баҳолаш; • ОТМларда сифат таъминоти масалаларига оид эксперт хулосаларини тизимли тарзда тайёрлаш; 	

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ МОНİТОРИНГИ ТУЗИЛМАСИ



ХУЛОСА

Юқорида зикр этилган фикрларни хулосалаб, шуни айтиш мүмкінки Европа Комиссияси Эрасмус+ дастурининг «IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш» лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган тавсиялар замонавий таълим стандартларининг маҳсус талабларини ўзида акс эттиради ва Ўзбекистон Олий таълим тизимининг турли хил эҳтиёжларини қондиради. Мазкур лойиҳа олий таълим муассасаларини модернизациялаштириш жараёнлари, узлуксиз малака оширишни ташкил этиш, талабалар ва иш берувчиларнинг таълим сифатини таъминлаш мақсадида ўқитиш ва ўрганиш жараёнларида иштироки каби жабҳаларга ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келган. Аниқроқ қилиб айтганда, юқорида таъкидланган масалаларга доир интеграция ва глобал ёндашув таклиф этилаётган лойиҳанинг асосий мақсадларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, IMEP лойиҳаси тавсиялари дунё бўйлаб замонавий олий таълим тизимиға интеграциялашувнинг аҳамиятини кўрсатиб берадиган инновацион ғоялар билан таъминлайди.

IMEP лойиҳаси доирасида олий таълим профессор-ўқитувчиларининг узлуксиз малакасини ошириш тренинг курслари ҳамкор олий таълим муассасаларида мувафақиятли ташкил этиб келинган. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари таълим сифати ва таъминоти борасида ишлаб чиқилган тавсияларни амалиётда қўллашдан манфаатдор бўлади деган умиддамиз.



Co-funded by the
Erasmus+ Programme
of the European Union



Internationalisation and Modernisation of Education and Processes in the Higher Education of Uzbekistan/ IMEP

561624-EPP-1-2015-1-UK-EPPKA2-CBHE-SP - ERASMUS+ CBHE

INTRODUCTION

IMEP project represents and address the diverse needs and specific requirements of the HE of Uzbekistan and contributes to modernising HE processes, integrating CPD, Quality Enhancement and engagement of students and employers in teaching and learning. This integration and holistic approach in addressing the issues in the HE is in the centre of the proposed project and represents its innovative character.

The intention of the project was to go beyond the HE and through the CPD programmes, training for teachers and run pilot CPD training in partner universities and established the preferred approach in CPD training and roll it out at the national level.

Another concrete objective related to development of recommendations which will ensure consistency of Quality Assurance across all subject areas through implementation of new quality enhancement procedures which will enable the HEIs to raise the quality of teaching and learning and raise standards of training across the country.

The Guidelines for Student Engagement address the national priorities, and students will benefit from their direct involvement in various areas, e.g. curriculum development, quality assurance and enhancement procedures. It will make the training fit-for-purpose and up-to-date and bring in new exciting developments in the HE of the country.

Another important objective of the project is the development of Guidelines for Employer engagement which contribute to modernising HE schemes in Uzbekistan, integrating entrepreneurial spirit and practice into teaching and learning. With the goal of improving conditions for quality growth and jobs, the project will stimulate the university-enterprise cooperation culture by promoting good practices for setting internal interfaces in universities, creation of capacities of human resources, promoting coherent information and communication strategies between universities and local and national businesses.


